


“Smart bank” АЖ
Кузатув кенгашининг
2023 йил “27” ИЮН даги
27-06/1 - сонли йиғилиш баённомаси
билан тасдиқланган

“Smart bank” АЖ
Бошқарувининг
2023 йил “27” ИЮН даги
27-06/1 - сонли йиғилиш қарорига
2-илова



«SMART BANK» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИДА
ШАХСГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАРНИ
МАХФИЙЛИК СИЁСАТИ

Тошкент – 2023 йил

Мазкур «Smart bank» акциядорлик жамиятида шахсга доир маълумотларни махфийлик сиёсати (кейинги ўринларда Сиёсат деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, амалдаги бошқа қонунчилик ҳужжатлари ва «Smart bank» акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда Банк деб юритилади)нинг Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Сиёсат мижозларга Банкнинг махсус веб сайти ёки мобил иловаси орқали банк хизматларидан фойдаланиш вақтида фойдаланувчи ҳақида олиши мумкин бўлган маълумотларга, шунингдек, банк хизматларининг бошқа турларига нисбатан қўлланилади.

Шахсга доир маълумотларга ишлов бериш ва уларни ҳимоя қилиш чоғида қўлланиладиган ишлов бериш воситаларидан, шу жумладан ахборот технологияларидан қатъи назар юзага келадиган муносабатларга нисбатан татбиқ этилади.

2. Мазкур Сиёсат фақат Банк томонидан таклиф қилинган хизматларга нисбатан қўлланилади ва фойдаланувчи Банк хизматларидан фойдаланиш учун кириш мумкин бўлган учинчи томон веб-саҳифалари ва улар томонидан қайта ишланган фойдаланувчи ҳақидаги маълумотлари назорат қилмайди ҳамда уларга жавобгар бўлмайди.


3. Банк хизматларидан фойдаланиш фойдаланувчининг ушбу Сиёсатга ва унда кўрсатилган шахсий маълумотларни қайта ишлаш шартларига сўзсиз розилигини билдириши лозим бўлади.

4. Фойдаланувчи томонидан хабарни форумда ёки чат зонасида жойлаштирганда, бундай маълумотлар интернет тармоғида очик бўлади ва бундай жойлаштириш фойдаланувчи томонидан ўз таваккалчилиги асосида амалга оширилади.

5. Фойдаланувчи томонидан Банк хизматларидан фойдаланганда фойдаланувчининг шахсий маълумотлари ушбу Сиёсатда кўрсатилган шартлар ва мақсадларда қайта ишлаш учун Банкка ўтказилиши мумкин.

6. Аноним маълумотларни ошкор қилишда, Банк шерикларга/контрагентларга аноним маълумотларни, шунингдек, жамланган маълумотларни ошкор қилиши мумкин.

Шунингдек, Банк фойдаланувчиларга хизматларнинг муайян функцияларидан фойдаланиш имкониятини тақдим этиш доирасида шерикларга/контрагентларга аноним ва жамланган маълумотларни тўплашга



рухсат бериши мумкин, кейинчалик ушбу маълумотларни Банкка ўтказилади.

2-боб. Банк томонидан қабул қилинадиган ва қайта ишланадиган маълумотлар


7. Фойдаланувчининг шахсий маълумотлари ушбу Сиекат доирасида қуйидагиларни англатади:

шахсий маълумотлар – фойдаланувчи Банкнинг исталган хизматларидан фойдаланиш жараёнида рўйхатдан ўтиш учун ўзи ҳақида мустақил равишда тақдим этадиган, шу жумладан, Банк ўртасида ҳар қандай шартномаларни бажариш вақтида тақдим қилинган фойдаланувчининг шахсий маълумотлари. Фойдаланувчи Банкнинг айрим хизматларидан ўзи томонидан зарур маълумотлар тақдим этилган тақдирдагина фойдаланиши мумкин.

8. Фойдаланувчи қурилмасига ўрнатилган дастурий таъминот ёрдамида Банк хизматларидан фойдаланиш жараёнида автоматик тарзда Банкка IP-манзил, cookies-файллардан маълумотлар, фойдаланувчи браузер ҳақида маълумотлар, кириш вақти ва сўралган саҳифаларнинг манзиллари юборилади.

9. Банк хизматларидан фойдаланганда фойдаланувчи ҳақида қуйидаги шахсийлаштирилмаган аноним статистик маълумотлар автоматик равишда (cookies-файллардан) йиғилади:

- а) сайтда амалга оширилган ҳаракат тури;
- б) ҳаракатни амалга ошириш санаси ва вақти;
- в) саҳифанинг URL манзили;
- г) йўналтирувчи;
- д) IP (статистикада IP манзиллар билан ишлаш имконсиз);
- е) фойдаланувчи – агент;
- ё) Client ID (cookie бўйича браузер идентификатори);
- ж) экран ўлчамлари;
- з) босилаётган HTML элементнинг синфи;
- и) қидирув сўровлари;
- й) тўлов бўйича барча тафсилотлар, ёкиланган ва ўчирилган функциялар;
- к) фойдаланувчининг геолокацияси;
- л) қурилмалар, модел, ишлаб чиқарувчи ва бошқалар ҳақида батафсил маълумотга эга хато ҳисоботлари;
- м) фойдаланувчининг телефон алоқалари тўғрисидаги маълумотлар;
- н) Банк хизматлари билан интерфейсида фойдаланувчи томонидан қўрилган



маълумотлар тўғрисидаги маълумотлар;

о) Банкнинг веб-саҳифаси ёки мобил иловасида аризаларни тўлдириш фактлари, шу жумладан уларни тўлдиришдаги хатолар тўғрисидаги маълумотлар.

10. Банк томонидан такдим этилган ҳар қандай хизматдан фойдаланишда, фойдаланувчи ўз хоҳишига асосан Банк томонидан статистик маълумотлари ва cookies-файлларни тизимлар томонидан қайта ишлаш учун фойдаланиши ҳамда тадқиқот ишларни бажариш ёки Банк хизматларини кўрсатиш учун учинчи шахсга топшириши мумкинлигига ўз розилигини билдиради.

11. Фойдаланувчи ўз қурилмасида ишлайдиган браузер созламаларини ўзгартириш орқали cookies-файллари билан файлларни мустақил равишда бошқариши мумкин. Бунда фойдаланувчи созламаларидаги ўзгаришлар cookies-файлларни блокранишига сабаб бўлиши ва бунинг натижасида Банкнинг тўлов хизматининг айрим компонентлари мавжуд бўлмаслигига олиб келиши мумкин.

12. Фойдаланувчи учинчи томон ресурсларидан (масалан, чатлар/шакл/ижтимоий тармоқлар) фойдаланганда Банк ҳаммага очик маълумотларни олиши мумкин. Банк бундай маълумотлардан миждозларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш учун фойдаланади.

13. Ушбу Сиёсатга асосан Банк ўзининг хизматларидан фойдаланган ҳолда қонун ҳужжатлари талабларига зид бўлган ҳаракатларни амалга оширишга ёрдам берадиган ҳолатларни аниқлаш ва олдини олиш учун маълум маълумотларни (масалан, IP-манзил, фойдаланувчи қурилмаси идентификатори) қайта ишлаши мумкин.

14. Банк фойдаланувчининг банк пластик карталаридан фойдаланган ҳолда амалга оширган он-лайн тўловлари хавфсизлигини тегишли даражасини таъминлаш мақсадида маълумот ҳам олиши мумкин.

3-боб. Шахсий маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш мақсадлари

15. Банк фақат банк хизматларини кўрсатиш ёки фойдаланувчи билан тузилган шартномаларни бажариш учун зарур бўлган шахсий маълумотларни тўплайди ва сақлайди, қонун ҳужжатларида айрим шахсий маълумотларни мажбурий олиш ва сақлаш назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

16. Шахсий маълумотларни сақлаш муддати, қонунчилик ҳужжатларида белгиланмаган ҳолларда, уларни қайта ишлаш учун белгиланган муддатдан ортиқ бўлмаган ҳолда амалга оширилади.

	Ro'yxatdan o'tkazildi
	Ro'yxat raqami: <u>5-36</u>
	Sana: <u>"14" iloy 2023 yil</u>
	Imzo: <u><i>[Signature]</i></u>

17. Банк фойдаланувчининг шахсий маълумотларидан қуйидаги мақсадларда фойдаланиши мумкин:

а) Банк ҳамда контрагентлари билан тузилган шартномаларни, шу жумладан фойдаланувчини соддалаштирилган идентификация қилиш мақсадида фойдаланувчига Банкнинг барча мавжуд хизматларидан фойдаланиш имкониятини тақдим этиш;

б) фойдаланувчи билан алоқа қилиш ва Банк хизматларини кўрсатиш тўғрисида билдиришномалар, сўровлар ва маълумотларни юбориш, шунингдек фойдаланувчининг сўровларини қайта ишлаш, шу жумладан бундай сўровларни бажариш учун кейинчалик контрагентларга ўтказиш;

в) Банк хизматлари сифатини ошириш, улардан фойдаланиш қулайлигини ошириш, янги Банк хизматларини ишлаб чиқиш, фойдаланувчига шахсийлаштирилган Банк хизматларини таклиф этиш;

г) аноним маълумотлар асосида статистик ва бошқа тадқиқотлар ўтказиш;

д) Банк ва контрагентлар томонидан ташкил этилган совринли акцияларда иштирок этиш таклифларини, шунингдек реклама ва ахборот материалларини алоқа тармоқлари орқали, жумладан телефон, факс, мобил телефон орқали мижозлар эътиборига етказиш;

е) Банкнинг тўлов хизматида фойдаланган ҳолда қонун ёки шартнома талабларига зид бўлган ҳаракатларни амалга оширишга ёрдам берадиган ҳолатларни олдини олиш.

4-боб. Шахсий маълумотларини қайта ишлаш ва уни учинчи шахсларга ўтказиш шартлари


18. Банк шахсий маълумотларни ушбу Сиёсат ва муайян хизматларни кўрсатиш шартларига ҳамда Банкнинг ички қоидаларига мувофиқ қайта ишлайди. Бунда фойдаланувчининг шахсий маълумотларига нисбатан унинг махфийлиги таъминланади.

19. Банк қуйидаги ҳолларда фойдаланувчининг шахсий маълумотларини учинчи шахсларга ўтказиш ҳуқуқига эга:

а) фойдаланувчи бундай ҳаракатларга розилигини билдирганда;

б) учинчи шахсга ўтказиш Банкнинг маълум бир хизматида ёки Банк шериги хизматида фойдаланиш учун ва фойдаланувчининг буйруғини бажариш учун зарур бўлганда. Шахсий маълумотлар қуйидаги тоифадаги учинчи шахсларга берилиши мумкин:

- ўтказмаларни амалга оширишда иштирок етувчи кредит ташкилотлари ва



бошқа ташкилотлар;

- маркетинг бўйича ҳамкорлар ва Банкнинг бошқа контрагентлари;

- маълумотларни сақлаш бўйича ҳамкорлар;

- Банкнинг тўлов хизматидан фойдаланган ҳолда қонун ёки ушбу Сўёсат талабларига зид бўлган ҳаракатларни амалга оширишга ёрдам берадиган ҳолатларни олдини олишни таъминлашда иштирок этадиган ҳамкорлар.

5-боб. Фойдаланувчи томонидан шахсий маълумотларни ўзгартириш ёки йўқ қилиш ҳамда эътироз билдириш тартиби

20. Банк хизматлари доирасида фойдаланувчига ўзи томонидан тақдим этилган маълумотларни ёки унинг бир қисмини ўзгартириш (янгилаш, тўлдириш) ёки ўчириш функцияси тақдим этилади. Шахсий маълумотларни қайта ишлашга розиликни қайтариб олиш ёзма равишда амалга оширилиши ва Банка электрон почта орқали юборилиши керак.

21. Банк шахсий маълумотлар ошкор қилинган ҳар бир олувчини шахсий маълумотларнинг ўзгартирилиши ёки йўқ қилиниши тўғрисида хабардор қилади.

22. Банк сўров юбораётган фойдаланувчининг шахсини аниқлашда шубҳа қилса, бундай ҳолатда Банк фойдаланувчининг шахсини тасдиқлаш учун зарур бўлган қўшимча маълумотларни тақдим этишни талаб қилишга ҳақли.

23. Фойдаланувчи ўз шахсий маълумотларини қайта ишлашга берган ҳар қандай розилигини бекор қилиши ёки қонуний асосларга кўра эътироз билдириши мумкин. Баъзи ҳолларда розиликни қайтариб олиш фойдаланувчининг Банк хизматларидан фойдалана олмаслигини англатади.

24. Амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ фойдаланувчи назорат органига шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

6-боб. Яқуний қоидалар

25. Банк фойдаланувчининг шахсий маълумотларини рухсатсиз ёки тасодифий кириш, йўқ қилиш, ўзгартириш, блоклаш, нусхалаш, таркатиш, шунингдек, учинчи шахсларнинг у билан бўлган бошқа ноқонуний ҳаракатларидан ҳимоя қилиш учун зарур ва етарли ташкилий-техник чораларни кўради.

26. Мазкур Сўёсат талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

27. Мазкур Сўёсат билан тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда

	Ro'yxatdan o'tkazildi
	Ro'yxat raqami: <u>I-56</u>
	Sana: " <u>12</u> " <u>11</u> soy <u>2023</u> yil
	Imzo: <u>[Signature]</u>

ҳал этилади.

28. Ушбу Сиёсатнинг алоҳида бандлари амалдаги қонунчилик ҳужжатлари ёки Банк Уставига зид бўлса, ушбу бандлар ўз кучини йўқотади ва ушбу бандларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгунга қадар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари нормаларига ва Банк Уставига амал қилинади.

	Ro'yxatdan o'tkazildi
	Ro'yxat raqami: <u>I-36</u>
	Sana: " <u>21</u> " <u>11</u> oy <u>2023</u> yil
	Imzo: <u>[Signature]</u>

[Handwritten signatures in blue ink]

Ю Р И Д И К Х У Л О С А

**(норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ҳуқуқий
экспертизадан ўтказиш тўғрисида)**

Экспертиза ўтказувчи	Юридик департаменти
Экспертизадан ўтказилган меъёрий ҳужжат номи	“Smart bank” акциядорлик жамиятида шахсга доир маълумотларни махфийлик Сийёсати.
Экспертиза ўтказишда фойдаланилган қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар	“Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”, “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонунлари, банкнинг Устави ва ички меъёрий ҳужжатлар.

Мазкур Сийёсат Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, банк тизимида банк томонидан банк мижозларининг банкнинг маҳсус веб сайти ёки мобил иловаси орқали банк хизматларидан фойдаланиш вақтида фойдаланувчи ҳақида олинishi мумкин бўлган маълумотларга нисбатан қўлланилади ҳамда банк томонидан қабул қилинадиган ва қайта ишланадиган маълумотлар, шахсий маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш мақсадлари, уни учинчи шахсларга утказиш шартлари, шахсий маълумотларни ўзгартириш ёки йўқ қилиш ҳамда эътироз билдириш тартибини белгилайди.

Ушбу Сийёсатни ишлаб чиқишда қонунчилик техникаси қоидаларига риоя қилинган.

**Юридик департаменти
бошлиғи**

М.Ғулумжонова



Ю Р И Д И К Х У Л О С А

**(норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ҳуқуқий
экспертизадан ўтказиш тўғрисида)**


Экспертиза ўтказувчи	Юридик департаменти
Экспертизадан ўтказилган меъёрий ҳужжат номи	“Smart bank” акциядорлик жамиятида шахсга доир маълумотларни махфийлик Сийёсати.
Экспертиза ўтказишда фойдаланилган қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар	“Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”, “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонунлари, банкнинг Устави ва ички меъёрий ҳужжатлар.

Мазкур Сийёсат Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, банк тизимида банк томонидан банк мижозларининг банкнинг маҳсус веб сайти ёки мобил иловаси орқали банк хизматларидан фойдаланиш вақтида фойдаланувчи ҳақида олинishi мумкин бўлган маълумотларга нисбатан қўлланилади ҳамда банк томонидан қабул қилинадиган ва қайта ишланадиган маълумотлар, шахсий маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш мақсадлари, уни учинчи шахсларга утказиш шартлари, шахсий маълумотларни ўзгартириш ёки йўқ қилиш ҳамда эътироз билдириш тартибини белгилайди.

Ушбу Сийёсатни ишлаб чиқишда қонунчилик техникаси қоидаларига риоя қилинган.

**Юридик департаменти
бошлиғи**

М.Ғулумжонова



ЮРИДИК ХУЛОСА

**(норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ҳуқуқий
экспертизадан ўтказиш тўғрисида)**

Экспертиза ўтказувчи	Юридик департаменти
Экспертизадан ўтказилган меъёрий ҳужжат номи	“Smart bank” акциядорлик жамиятининг Ахборот хавфсизлиги Сиёсати
Экспертиза ўтказишда фойдаланилган қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар	“Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”, Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”, “Шахса доир маълумотлар тўғрисида” ги Қонунлари, Ахборот хавфсизлиги борасидаги меъёрий ҳужжатлари, банкнинг Устави ва ички меъёрий ҳужжатлар.

Мазкур Сиёсат Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, банк тизимида ахборот хавфсизлиги, мақсад ва вазифалари, тартиблар, химоя объектлари, ахборот хавфсизлиги хавф эҳтимоллиги ва таҳдидларнинг модели, ахборот хавсизлиги соҳасидаги ҳужжатлаштирилган кўрсатмалар, қоидалар, жараёнлар ва амалиёт тўпламини жамлашга қаратилган..

Ушбу Сиёсатни ишлаб чиқишда қонунчилик техникаси қоидаларига риоя қилинган.

**Юридик департаменти
бошлиғи**



М.Ғулумжонова

ЮРИДИК ХУЛОСА

**(норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ҳуқуқий
экспертизадан ўтказиш тўғрисида)**

Экспертиза ўтказувчи	Юридик департаменти
Экспертизадан ўтказилган меъёрий ҳужжат номи	“Smart bank” акциядорлик жамиятининг Ахборот хавфсизлиги Сиёсати
Экспертиза ўтказишда фойдаланилган қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар	“Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”, Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”, “Шахса доир маълумотлар тўғрисида” ги Қонунлари, Ахборот хавфсизлиги борасидаги меъёрий ҳужжатлари, банкнинг Устави ва ички меъёрий ҳужжатлар.

Мазкур Сиёсат Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, банк тизимида ахборот хавфсизлиги, мақсад ва вазифалари, тартиблар, химоя объектлари, ахборот хавфсизлиги хавф эҳтимоллиги ва таҳдидларнинг модели, ахборот хавсизлиги соҳасидаги ҳужжатлаштирилган кўрсатмалар, қоидалар, жараёнлар ва амалиёт тўпламини жамлашга қаратилган..

Ушбу Сиёсатни ишлаб чиқишда қонунчилик техникаси қоидаларига риоя қилинган.

**Юридик департаменти
бошлиғи**



М.Ғулумжонова